**“Ангрен логистика маркази” АЖ**
**кузатув кенгашининг 1-сонли йиғилиш баёни**

**Ўтказиш санаси:** 2022 йил 10 август
**Ўтказиш жойи:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг маъмурий биноси.
**Ўтказиш вақти:** Соат 11:00 да.

**Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Шарипов Зафар Зариф ўғли | кузатув кенгаши аъзоси |
| 2. | Хайдаров Алишер Юсуфжонович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. | Жуланов Камол Жуланович | кузатув кенгаши аъзоси |

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 4 нафар аъзосидан 3 нафари, 75% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очиқ деб эълон қилинди.

**Йиғилишга таклиф қилинганлар:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Б.Абдураимов | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори |
| 2. | Д.Ширматова | “Ангрен логистика маркази” АЖ бош бухгалтери |

Б.Абдураимов уч кишидан иборат Раёсат аъзоларини ва йиғилиш котибини қуйидаги таркибда сайлашни таклиф қилди:

З.Шарипов - йиғилиш раиси
А.Хайдаров - раёсат аъзоси
К.Жуланов - йиғилиш котиби

Рўйхат бўйича овозга қўйилди.
Розилар – 3
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар – йўқ
Қарор қилинди: Йиғилиш раёсати ва йиғилиш котиби таркиби тасдиқлансин.

**Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:**

| | |
|---|---|
| 1. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 2. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида. |
| 3. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши хузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 4. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 5. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тузиш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 6. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 7. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 8. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |

| | |
|---|---|
| 9. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 10. | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 11. | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Инавацион фаолиятини қўллаб-кувватлаш жамғармасини тузиш тўғрисида. |
| 12. | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Инавацион фаолиятини қўллаб-кувватлаш жамғармаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 13. | “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2022 йил иккинчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида. |
| 14. | “Ангрен логистика маркази” АЖ таъсисчилигида ташкил этилган “Махсусюктранс” МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш тўғрисида. |
| 15. | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 16. | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш тўғрисида. |
| 17. | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида. |
| 18. | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида. |
| 19. | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 20. | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 21. | “Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида. |

**1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача;
- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача. муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

**2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида”ги иккинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг раиси” деб

номланган 77-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланиши, жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этиши, кузатув кенгаши мажлисларини чақириши ва уларда раислик қилиши, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилиши, агар жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга ошириши белгиланганлиги тўғрисида маълумот берди.

А.Хайдаров Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 январь куни 2755-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 2-банди талабларини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига аъзолиги учун номзоди кўрсатилиб, 2022 йил 30 июнь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан кузатув кенгаши аъзолигига сайланган акциядорлик жамиятларини фаолиятини ташкиллаштириш бўйича З.Шариповни жамиятнинг кузатув кенгаши раиси этиб сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: З.Шариповни жамиятнинг кузатув кенгаши раиси этиб сайлансин.

3. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала** юзасидан К.Жуланов сўзга чиқиб, мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасининг ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилашини маълум қилиб, кузатув кенгаши аъзоларига тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

4. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала** юзасидан А.Хайдаров сўзга чиқиб, мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасининг ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилашини маълум қилиб, кузатув кенгаши аъзоларига тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

5. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала** юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасининг ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилашини маълум қилиб, кузатув кенгаши аъзоларига тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

6. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала** юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилашини маълум қилиб, кузатув кенгаши аъзоларига тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

7. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги еттинчи масала** юзасидан К.Жуланов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Стратегия ва инвестициялар қўмитасини тузиш, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Рафиқов, А.Хайдаровларни ва кузатув кенгашининг сайланадиган мустақил аъзосини киритиш, Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси лавозимига кузатув кенгашининг сайланадиган мустақил аъзосини номзодини таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

8. **Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала** юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Аудит қўмитасини тузиш, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, К.Жуланов ва кузатув кенгашининг сайланадиган мустақил аъзосини киритиш, Аудит қўмитаси раиси лавозимига кузатув

кенгаши аъзоси К.Жулановни номзодини таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

9. **Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги тўққизинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, "Ангрен логистика маркази" АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида"ги низомга асосан жамият Кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасини тузиш, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, А.Рафиқов ва кузатув кенгашининг сайланадиган мустақил аъзосини киритиш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси лавозимига кузатув кенгаши аъзоси А.Рафиқовни номзодини таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

**10. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги ўнинчи масала** юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида"ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, К.Жуланов ва кузатув кенгашининг сайланадиган мустақил аъзосини киритиш, Тайинлювлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси лавозимига кузатув кенгаши аъзоси А.Хайдаровни номзодини таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

**11. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инавацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ўн биринчи масала** юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2022 йил 18 июль куни 03/07-1-18/2831-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги "2022-2026 йилларда Ўзбекистон

Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-165 сонли Фармонига мувофиқ устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизигача миқдоридаги ажратмалари ҳисобидан корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантириладиган Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини ташкил этиши белгиланганлиги, бунда жамғарма юридик шахс ҳисобланмаслиги ва унинг маблағлари "тубдан янгиловчи" инновацияларни яратишга ва жорий қилишга йўналтирилиши, жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар портфели Инновацион ривожлантириш вазирлиги билан келишилиши, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари томонидан устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари томонидан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларни жамғармаларга ўз вақтида ажратиш ва ундан мақсадли фойдаланиш устидан тизимли назоратни амалга оширишни, шунингдек ҳар ярим йилда улар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиши белгиланганлиги тўғрисида маълум қилди.

К.Жуланов "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инавацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасини тузиш мақсадга мувофиқ деб таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инавацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги масалани "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

**12. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги ўн иккинчи масала** юзасидан К.Жуланов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2022 йил 19 июль куни 03/07-1-21/2860-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги "2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-165-сонли Фармони ҳамда "2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-307-сонли Қарори ижросини ташкил этиш тўғрисидаги 2022 йил 15 июлдаги 193-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида келтирилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини ташкил этиши ва жамғарма низомини юқорида номи келтирилган Фармон талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 мардаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий низом тавсияларини инобатга олган ҳолда тасдиқлаш ҳамда жамиятнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридаги ажратмаларини инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш масалаларини кўриб чиқишни сўраб мурожаат қилганлиги тўғрисида маълумот берди ва намунавий низом асосида тайёрланган "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида"ги низомни лойиҳасини "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Инновацион фаолиятни қуллаб-кувватлаш жамғармаси тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

**13. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2022 йил иккинчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида”ги ўн учинчи масала** юзасидан А.Хайдаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иктисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил иккинчи чоракдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига (kpi.davaktiv.uz) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) 2176,78 фозни, яъни юқори даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, тўлов қобилиятини йўқотганлиги, айланма маблағга эга эмаслиги, олинган даромад 2021 йил 4 январь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Махсусюктранс” МЧЖ ўртасида “Ўзаро хамкорликда фаолият кўрсатиш тўғрисида”ги тузилган 1-сонли шартномага мувофиқ “Ангрен логистика маркази” АЖ тақдим этилган ҳисоб-фактурага асосан “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан тўланганлиги, асосий транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан амалга оширилиб келаётганлиги аниқланганлиги тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2022 йил иккинчи чорак якунлари буйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.

Д.Ширматова сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил иккинчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 215 217 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (188 870 минг сўм) нисбатан 26 159 минг сўмга (13,8 фоиз) кўпайган, (211 304 минг сўм) режа 101,8 фоизга бажарилган;
- давр харажатлари 119 426 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (109 868 минг сўм) нисбатан 9 558 минг сўмга (8,6 фоиз) кўпайган, белгиланган (134 507,8 минг сўм) режага нисбатан 15 081 минг сўмга (11,3 фоиз) кам сарф-харажат қилинган;
- соф фойда 86 642 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (70 650 минг сўм) нисбатан 15 992 минг сўмга (22,6 фоиз) кўпайган, белгиланган (68 344 минг сўм) режа 126,7 фоизга бажарилган;
- дебиторлик қарздорлиги 527 288 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (534 094 минг сўм) нисбатан 6 806 минг сўмга (1,2 фоизга) камайган, бунда муддати ўтган дебиторлик карздорлик 450 910 минг сўмни ташкил этган;
- кредиторлик қарздорлиги 590 546 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (695 156 минг сўм) нисбатан 104 610 минг сўмга (15,0 фоизга) камайган, бунда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 575 922 минг сўмни ташкил этган.

2010 – 2018 йиллар мобайнида транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатилган 13 та мижоз ташкилотлардан “Ангрен логистика маркази” АЖ фойдасига 1 852 593 086,99 сўм асосий қарз, 268 489 738,35 сўм пеня ундириш бўйича хўжалик (иқтисодий) судларни қарорлари қабул қилиниб тааллуқлилиги бўйича туман ва шаҳар мажбурий ижро бюроси (суд ижрочилари) бўлимига ижро варақалари ижросини таъминлаш учун белгиланган тартибда юборилган.

2022 йил 1 июль ҳолатига туман ва шаҳар мажбурий ижро бюроси (суд ижрочилари) бўлими томонидан ушбу ижро варақасида қайд этилган карздорлик суммасини 450 910 минг сўмлик кисми ундирилмаган.

Б.Абдураимов сўзга чикиб, "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2022 йил иккинчи чорак якунлари бўйича 2021 йил 22 ноябрь куни тасдиқланган Бизнес-режада 215 217 минг сўм даромад олиш режалаштирилганлиги ва амалда олинган даромад 211 304 минг сўмни ташкил этиб, режа тўлик бажарилганлиги, шунингдек, "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2022 йил тўққиз ойлик якуни бўйича даромади 316 956,60 минг сўмни, соф фойдаси 95 371 минг сўмни ташкил этиши, дебиторлик қарздорлиги 510 694 минг сўмгача, кредиторлик қарздорлиги 539 530,2 минг сўмгача камайтириш чоралари кўрилаётганлиги тўғрисида маълумот берди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – 1

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ ижроия органининг 2022 йил иккинчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Жамият ижроия органи:

- 2022 йил иккинчи чоракдаги фаолияти якунларини ўз мажлисларида танқидий кўриб чиқсин ва 2022 йилнинг учинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларини тўлиқ ижросини таъминласин;

- 2022 йилнинг учинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларининг тўлик бажарилиши учун жавобгарлик шахсан "Ангрен логистика маркази" АЖ Бош директори Б.Абдураимов зиммасига юклатилсин.

14. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ таъсисчилигида ташкил этилган "Махсусюктранс" МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш тўғрисида"ги ўн тўртинчи масала юзасидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 15 июлдаги 01/07-1/14-сонли топшириғига асосан

- "Ангрен логистика маркази" АЖ таъсисчилигидаги ташкил этилган "Maxsusyuktrans" МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш ишларини ташкил этиш учун ушбу масалани "Ангрен логистика маркази" АЖ бошқарув органларида кўриб чиқилишини ва тегишли қарорлар қабул қилиниши;

- жамият раҳбарининг эгаллаб турган лавозимига лойиқлик масаласини жамиятнинг тегишли бошқарув органларида кўриб чиқилишини таъминлаш;

- жамиятнинг асосий воситаларини бегоналаштирилишининг олдини олиш бўйича жамиятга кўрсатма юборилиши белгиланган.

Шу муносабат билан, Давактив агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 03/04-2209-сонли топширик хати юборилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**А.Хайдаров ушбу масала бўйича қуйидаги таклифни билдирди:**

1. "Ангрен логистика маркази" АЖ таъсисчилигида ташкил этилган "Махсусюктранс" МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш тўғрисидаги таклифни маъқуллаш.

2. 2022 йил ___ ноябрдан "Махсусюктранс" МЧЖни "Ангрен логистика маркази" АЖга қўшиш йўли билан тугатиш.

3. "Махсусюктранс" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулки баланс баҳосида белгиланган тартибда "Ангрен логистика маркази" АЖга топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида ўтказиш.

4. "Махсусюктранс" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкини топшириш-қабул қилиш ишларини ташкиллаштириш учун топшириш-қабул қилиш комиссияси тузиш.

5. “Ангрен логистика маркази” АЖ “Махсусюктранс” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси этиб белгилаш.

6. 2022 йил учун тасдиқланган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Бизнес-режасига 2022 йилнинг иккинчи ярим йиллигида жамиятнинг кутилаётган сарф-харажатларини таҳлил қилиб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ таъсисчилигида ташкил этилган “Махсусюктранс” МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

**15. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн бешинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 30 июнда “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг ўтказган навбатдаги умумий йиғилиши қарорига биноан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқланганлиги, 2022 йил 13 июль куни Ангрен шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан 525171 – сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинганлиги, ушбу устав “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори билан давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича бир қатор талаблар белгиланганлиги муносабати билан ушбу талабларни ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида янги таҳрирда қабул қилинганлиги, ушбу уставда “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси, Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тузиш кўзда тутилганлиги муносабати билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини янги лойиҳаси тайёрланганлигини ва уни тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритишни таклиф қилди (“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини лойиҳаси илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – 1

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

**16. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш тўғрисида”ги ўн олтинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик

жамияти ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасида жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш, ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатига киритилганлиги муносабати билан қуйидаги таклифларни билдирди:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана – **2022 йил 25 август;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт – соат **11:00;**

йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни бошланиш вақти – **соат 10:00;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган жойи – Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилсин. "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни қуйидагича белгилансин:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана – **2022 йил 25 август;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт – соат **11:00;**

йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни бошланиш вақти – **соат 10:00;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган жойи – Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй.

**17. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида"ги ўн еттинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни таклиф қилди:

| | |
|---|---|
| 1. | "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсат аъзолари ва йиғилиш котибини таркибини сайлаш тўғрисида. |
| 2. | "Ангрен логистика маркази" АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 3. | "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 4. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 5. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 6. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тузиш тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 7. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 8. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 9. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 10. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши |

| | |
|---|---|
| | курашиш ва этика қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 11. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 12. | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш жамғармасини тузиш тўғрисида. |
| 13. | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш жамғармаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 14. | "Ангрен логистика маркази" АЖ таъсисчилигида ташкил этилган "Махсусюктранс" МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш тўғрисида. |
| 15. | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида. |

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

| | |
|---|---|
| 1. | "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсат аъзолари ва йиғилиш котибини таркибини сайлаш тўғрисида. |
| 2. | "Ангрен логистика маркази" АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 3. | "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 4. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 5. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 6. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тузиш тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 7. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 8. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 9. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 10. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 11. | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 12. | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш жамғармасини тузиш тўғрисида. |
| 13. | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш жамғармаси тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 14. | "Ангрен логистика маркази" АЖ таъсисчилигида ташкил этилган "Махсусюктранс" МЧЖни жамиятга қўшиб юбориш тўғрисида. |
| 15. | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида. |

**18. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи**

**акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида"ги ўн саккизчи масала** юзасидан Д.Ширматова сўзга чиқиб, акциядорлар реестрини ёпиш санаси бўйича қуйидаги таклифларни киритди:

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш реестрини ёпилиш санаси – **2022 йил 10 август;**

умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санаси – 2022 йил **2022 йил 19 август**.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Акциядорларининг реестрини ёпилиш санаси қуйидагича белгилансин:

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш реестрини ёпилиш санаси – **2022 йил 10 август;**

умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санаси **– 2022 йил 19 август.**

**19. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида"ги ўн тўққизинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамият акциядорларини акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун www.openinfo.uz, жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш, акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уларга оид тайёрланган тарқатма ҳужжатлар тўрламини "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг расмий электрон манзилларига жамиятнинг www.clangren@bk.ru электрон манзил орқали юборишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Жамият акциядорларини акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун www.openinfo.uz, жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш, акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уларга оид тайёрланган тарқатма ҳужжатлар тўрламини "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг расмий электрон манзилларига жамиятнинг www.clangren@bk.ru электрон манзил орқали юборилсин.

**20. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида"ги йигирманчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш учун тайёрланган бюллетенларни шакли ва матнларини кўриб чиқиб тасдиқлашни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш учун тайёрланган бюллетенлар тасдиқлансин.

**21. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги йигирма биринчи масала** юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни саноқ комиссияси таркибига киритишни таклиф қилди:

1. Джуманиязова Равшаной Калбаевна - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Тўлов қобилиятсизлик жараёнини юритиш бўлими етакчи мутахассиси
2. Турсункулов Шухратжон Ибрагим ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси
3. Рахматов Самариддин Сирожиддинович - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўлими бош мутахассиси

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 3
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги муносабати билан йиғилиш якунланди.

**Кузатув кенгаши аъзоси** **З.Шарипов**

**Кузатув кенгаши аъзоси** **А.Хайдаров**

**Кузатув кенгаши аъзоси** **К.Жуланов**

Баённома имзоланган сана: 2022 йил ___ август